




МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ

Илимий-методикалық журнал

№ 1/3 2025



гуманитарные науки
естественные науки
технические науки



МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



Илимий-методикалық журнал

2025

1/3-сан

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз ғәм хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.
№01-044-санлы ғуўалық берилген.*

ТАСАВВУФ-ҚАДРИЯТЛАР ВА АХЛОҚ ЙЎЛИ

Тоғаева Г.Ж.

*доцент, филология фанлари номзоди
Чирчиқ давлат педагогика университети*

Таянч сўзлар: тасаввуф, ислом, матбуот, Бедил, Фитрат, тасаввуфий талқин, иjtиҳод, ижмoъ, қалби поклиги.

Ключевые слова: суфизм, ислам, пресса, Бедиль, Фитрат, мистическая интерпретация, иджтиҳад, консенсус, чистота сердца.

Key words: sufism, islam, press, Bedil, Fitrat, mystical interpretation, ijtiḥad, consensus, purity of heart

РЕЗЮМЕ:

Маълумки, исломда банданинг Раббисига қандай ибодат қилиши энг муҳим масалалардан бири. Тасаввуф ҳам ибодатнинг гўзал шаклидир, у-банданинг Раббисига муҳаббат изҳор қилиш услубларидан бири. У шу боис маълум маънода адабиётга ҳам бадий безак ва мазмун бағишлади. Агар ошиқ ўз маҳбубига қай даражада чиройли дил рози айта олса, маҳбубнинг жавоби ҳам шунга муносиб бўлади. Бинобарин, Ҳадисларда айтиладики «Рабби гўзалдир, у гўзалликни яхши кўради». Аллоҳу таоло энг Буюк Севгига лойиқ ягона зотдир, зеро, у энг гўзал дил розини яхши кўради. Бошқача айтганда, Рабби ўз қулларининг тақдорланмас, гўзал тарзда сева олишга ва изҳори дил қилишга лойиқ зотдир. Ахир ҳар бир сўфий муҳаббати ўзига хос эмасми? Демакки, тасаввуф таълимотининг шаклланиш сабабларидан яна бири-у банданинг Яратганга муҳаббат изҳор қилиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Шўро давридаги илмий мақоланависликнинг умумий бир камчилиги мафкуравий жиҳатдан чегараланганлиги, коммунистик мафкура қилипига солинганлигидадир. Ҳар қандай талқин ўз даври ва аслият ўртасидаги бир кўприк-воситадир. Матбуот ўз даври, тафаккур тарзи, эҳтиёж ва талаблари нуқтаи назаридан аслиятни холис талқин этиши зарур. Бошқачароқ айтганда, талқин аслиятга суянган ҳолда барча хом ашёни ўз давридан олади. Шу боис унга даврийликнинг нуқси уриб қолади. Ҳерменевтик қонуниятлар ҳам шуни тасдиқлайдики, бошқа талқинга, аслиятга нисбатан ўша давр тафаккур тарзига мувофиқ келадиган муносабатга эҳтиёж сезилади. Қолаверса, бу тараққиёт, камолот кўрсатгичидир. Агар шўро давридаги йилларга, ундаги тасаввуфий талқинларга муносабат ўзгармаса, янги-янги талқинларга эҳтиёж сезилмаса, бу жамиятдаги фикрий турғунлик нишонаси, ўша жамият, халқнинг эртанги кунига бефарқлиги ҳамдир. Тўғри, тасаввуф адабиётига назар у ёки бу тарзда Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, Ғ.Ғулом, Ойбек, Фитрат, В.Зоҳидов каби кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўша даврларда ҳам ўрганилган, лекин бу рағбат тўқсонинчи йилларнинг бошларидан кенг қўламда давом эттирилди. Мустақилликдан кейин эса бу жараёнга янада кенгроқ йўл очилди. Янги давр, янги эътиқод, дунёқараш, мафкура, ижтимоий онг замонаси

бошланди. Мақолада ана шу масалаларнинг ўзбек адабиёти ва матбуотида намоён бўлиш қирралари очиб берилган.

РЕЗЮМЕ:

Известно, что одним из важнейших вопросов в исламе является то, как слуга молится своему Господу. Суфизм – это еще и прекрасная форма поклонения, один из способов выражения любви к Господу. Поэтому в определенном смысле он также придал литературе художественное оформление и смысл. Если любящий сможет с прекрасным сердцем порадовать свою возлюбленную, ответ любимой будет достоин этого. Поэтому в хадисах сказано: «Бог прекрасен, Он любит красоту». Аллаху Таала – единственный, кто заслуживает величайшей любви, потому что любит самое прекрасное сердце. Другими словами, Господь достоин любить Своих слуг уникальным и прекрасным образом и выражать Свое сердце. В конце концов, разве любовь каждого суфия не уникальна? Итак, одной из причин формирования суфизма является потребность слуги выражать свою любовь к Творцу. Общим недостатком написания научных статей в период СССР является то, что они идеологически ограничены, сформированы коммунистической идеологией. Любая интерпретация – это мост между своим временем и оригиналом. Прессе необходимо объективно интерпретировать правду с точки зрения своего времени, образа мышления, потребностей и запросов. Другими словами, интерпретация берет весь сырой материал своего времени, опираясь на оригинал. Вот почему у него есть недостаток периодичности. Законы герменевтики подтверждают и необходимость иной интерпретации, отношения к оригиналу, соответствующего образу мышления того времени. Кроме того, это показатель прогресса и зрелости.

Если отношение к годам периода Шуры, к мистическим интерпретациям в нем не меняется, если не ощущается потребность в новых интерпретациях, то это признак интеллектуального застоя в обществе, безразличия общества и общества. люди в будущее. Правда, суфийскую литературу в той или иной мере изучали многие исследователи, такие как Э.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, Г.Гулом, Ойбек, Фитрат, В.Зохилов, но это стимулирование продолжалось в больших масштабах с начала нашей эры. были сделаны девятые годы. После обретения независимости этому процессу открылся более широкий путь. Началась новая эпоха, новая вера, мировоззрение, идеология, общественное сознание. В статье раскрываются аспекты этих проблем в узбекской литературе и прессе.

SUMMARY:

It is known that one of the most important issues in Islam is how a servant prays to his Lord. Sufism is also a beautiful form of worship, one of the methods of expressing one's love to the Lord. Therefore, in a certain sense, he also gave artistic decoration and meaning to literature. If a lover can please his beloved with a beautiful heart, the beloved's response will be worthy of it. Therefore, it is said in the Hadiths that "God is beautiful, He loves beauty." Allahu ta'ala is the only one who deserves the greatest love, because he loves the most beautiful heart. In other words, the Lord is worthy to love his servants in a unique and beautiful way and to express his heart. After all, isn't every Sufi's love unique? So, one of the reasons for the formation of Sufism is the need of the servant to express his love to the Creator. A common shortcoming of scientific article writing during the Shura period is that it is ideologically limited, it is molded by the communist ideology. Any interpretation is a bridge between its time and the original. It is necessary for the press to interpret the truth objectively from the point of view of its time, way of thinking, needs and demands. In other words, the interpretation takes all the raw material from its time, relying on the original. That's why it has a flaw of periodicity. Hermeneutic laws also confirm that there is a need for a different interpretation, an attitude to the original that corresponds to the way of thinking of that time. In addition, it is an indicator of progress and maturity. If the attitude to the years of the Shura period, to the mystical interpretations in it, does not change, if the need for new interpretations is not felt, this is a sign of intellectual stagnation in the society, the indifference of the society and the people to the future. It is true that Sufism literature was studied in one way or another by many researchers such as E.E. Bertels, V.V. Bartold, G'. Gulom, Oybek, Fitrat, V.

Zohidov, but this incentive continued on a large scale from the beginning of the nineties. was made. After independence, a wider path was opened to this process. A new era, a new faith, outlook, ideology, social consciousness has begun. The article reveals aspects of these issues in Uzbek literature and press.

Адабиётшунослик илми ҳамма замонларда тасаввуф йўли оркали қалб поклиги, инсоннинг борлиқдаги ўрни ва Аллоҳга яқин бўлиш рутбалари ҳақида маърифий билимларни ўрганиб, тадқиқ этиб келган. [1.32] Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулов «Тасаввуф – рух тарбияси. Тасаввуф – ахлоқ ва одоб камолоти учун изчил қайғуриш демак. Тасаввуф–хаёл ва тасаввур кенглиги. У оламдаги жамики тобеликларга иштиёқ билан қарашга ўргатади. Тасаввуфнинг деярли барча мазҳабларида ғамгин ва ғуссакаш инсон «Мен»ининг ботиний фаоллиги акс этади,» деган эди. [2.180.]Бундай пок ва теран лафзларни инсонлар орасида илоҳий тозариш ва маънавий камолот ғолиб бўлишига чин дилдан ишонган инсонларгина ёзиши мумкин.

Жалолиддин Румий эса «Инсон буюк бир муъжиза ва унинг ичида ҳамма нарсa ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди,» деган эди.[3.51] Ўтган 70 йил давомидаги вақт улкан адабий-фалсафий меросимиз–тасаввуф инжуларини биздан беркитиб келган «зулмат ва парда» бўлди. Миллатимизнинг олди бўлган, катта фикр даҳолари, улкан зиёлиларимиз қатағон қилинди, уларга нисбатан аёвсиз зулм этилди.

Олим Муҳаммаджон Имомназаров таъкидича, 1937-39 йиллар қатағонлари ва «социалистик реализм» деб аталган янги пролетар адабиётнинг зўраки жорий қилинган якка ҳокимлиги оқибатида ўзбек адабиёти тарихий илдизларидан узилиб қолди, ўтмиш адабиёти яхши-ёмонга, «прогрессив» ва «реакционга» ажратилди.[4.34] Бу ҳақда олимларнинг ўзлари ҳам матбуотда мақолалар эълон қилишган. Тадқиқотчилар кейинроқ бўлса ҳам тарихий меросга баҳо беришда аниқлик ва тарихий ҳақиқатга риоя қилишда изчилликка интилишган[5.67]

XX аср бошларида ҳам улуғ зиёлиларидан бири Абдурауф Фитратнинг «Мирзо Бедил» илмий мақоласи, «Бедил», «Нажот йўли» («Раҳбари нажот») каби инсонни юксак ахлоқий руҳда тарбиялаш маъносида битилган, илоҳий илмлар ва улардан мурод не эканлигидан баҳс қилинадиган мумтоз асарлар яратилган эди. Миллат тарбияси учун катта аҳамиятга эга бу каби асарлар «социалистик ҳаёт гирдобиди» маълум вақтгача ўз ўқувчилардан узоқлаштирилди. Олим Ҳамидулла Болтабоевнинг ёзишича, А.Фитрат «Бедил» номли илмий мақоласини 1920 йилда «Тонг» журнали-

да (№2) эълон қилдиради. 1923 йилда эса бадеа усулида ёзилган «Бедил (Бир мажлисда)» асари туғилди. Ушбу асарда таъкидланадики: «Ҳар бир нарсага юзадагина ҳукм қилувчи бизлар бунга ҳам юзадагина қараймиз. Унинг (Бедилнинг— Таъкид бизники.—Г.Т.) сўзидаги усталикларига, кучига, ҳукмига, ўйинларига бериламиз... Унинг туб фикрларини эса ҳеч тушунмаймиз ё тушунмоқ истамаймиз». Ушбу асарда Фитрат Бедил фалсафасининг теран қатламларига ўқувчини саёҳат қилдиради. Инсоннинг яшашдан мақсади фақат еб-ичишдан иборат эмаслигини воқелик билан боғлаб кўрсатади. [6.79]«Нажот йўли» («Раҳбари нажот») асарида эса Фитрат нажот, илм-маърифат раҳбари деб Қуръоний билимларни кўрсатади. [7.79] У бу билимларни миллат ва халқ манфаатлари йўлида ривожлантирилишини истади. Шижоат, қарам, жасорат, сабот ва мулойимликни нафсга, нодонлик ва жаҳолатга қарши қўяди. Сўфиёна маслакнинг ахлоқийфалсафий ғояларини Фитрат бу асарнинг маъно-мағзига сингдириб юборган. Ўз элининг маърифати учун қаттиқ ёзғириб, жон қуйдирган фидойи олим таъкидлайдики, «Аллоҳнинг ягоналигини, улуғлигини илм орқали, ақл ҳукми орқали билмоқ лозим». [8.14]

Шўро даврида тасаввуфий мавзуларга бўлган «эҳтиёткорлик» адабиёт ва фалсафа ривожига, шунингдек, ўткир фикр майдони бўлган матбуотга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Филология фанлари доктори, профессор Н.Комилов таъкидлашча, биргина улуғ мутафаккир шоир А.Навоийнинг «Ҳамса» дostonлари нашридан 1970 йилларда жами эллик уч боб тушириб қолдирилган. [9.23]Асардаги «ҳамд» ва «наът»лар тасаввуфий характерда эканлигини ҳисобга олсак, халқимиз жуда катта маънавий хазинадан бебаҳра қолганлигини англаб етамиз. Матбуот-энг аввало, ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприқдир, эртанги кун учун даъваткор шиорлар майдонидир.(-Таъкид бизники.—Г.Т). Шўро давридаги илмий мақоланависликнинг умумий бир камчилиги мафкуравий жиҳатдан чегараланганлиги, коммунистик мафкура қолипига солинганлигидадир. Ҳар қандай талқин ўз даври ва аслият ўртасидаги бир кўприк—воситадир. Матбуот ўз даври, тафаккур тарзи, эҳтиёж ва талаблари нуқтаи назаридан аслиятни холис талқин этиши зарур. Бошқачароқ айтганда, талқин аслиятга суянган ҳолда барча хом ашёни ўз давридан олади. Шу боис унга даврийликнинг нуқси уриб қолади. [10.87]Ҳерменевтик қонуниятлар ҳам шуни тасдиқлайдики, бошқа талқинга, аслиятга нисбатан ўша давр тафаккур тарзига мувофиқ келадиган муносабатга эҳтиёж сезилади. Қолаверса, бу тараққиёт, камолот кўрсатгичидир. Агар шўро давридаги йилларга, ундаги тасаввуфий талқинларга муносабат ўзгармаса, янги-янги талқинлар-

га эҳтиёж сезилмаса, бу жамиятдаги фикрий турғунлик нишонаси, ўша жамият, халқнинг эртанги кунига бефарқлиги ҳамдир. Тўғри, тасаввуф адабиётига назар у ёки бу тарзда Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, Ғ.Ғулом, Ойбек, Фитрат, В.Зоҳидов каби кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўша даврларда ҳам ўрганилган, лекин бу рағбат тўқсонинчи йилларнинг бошларидан кенг кўламда давом эттирилди. Мустақилликдан кейин эса бу жараёнга янада кенгрок йўл очилди. Янги давр, янги эътиқод, дунёқараш, мафкура, ижтимоий онг замонаси бошланди. [11.89]

Тасаввуф таълимотини тадқиқ этишда ўзбек журналистикаси, хусусан матбуот ижтимоий институтларидан бўлмиш тарих, фалсафа, адабиёт, мустика, педагогика каби соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун улкан минбар бўлди. Чунки бу илм тарихий қадрият сифатида ҳар бир соҳанинг теран жабҳаларигача кириб бора оладиган қудрат-публицистик таъсирчанлик билан қуролланган. Бу соҳаларнинг барчасидаги тарихий қадриятларни ҳис қилиш, чуқур ўрганиш салоҳияти айниқса, илмий публицистикада яққол намоён бўлади. Жамиятнинг барча қатламлари учун маънавий озуқа бўла оладиган тасаввуф таълимотининг ўзи нима? У қандай маънони англатади? Унинг илгари сурган ғояси нималарга асосланади? Буни профессор Нажмиддин Комилов шундай шарҳлайди: «Тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида куртак ёзади. Гап шундаки, ҳазрати Муҳаммад Мустафо (САВ) вафотларидан кейин мусулмонлар жамоаси ичида бўлиниш рўй беради, айниқса, халифа Усмон замонида бойликка ружу қўйиш, қиммабаҳо тухфалар билан қариндош-уруғлар, яқин дўст-биродарларни сийлаш расм бўлади. Уммавия халифалиги даврига келиб эса, сарой ҳашамлари, дабдабали безаклар, олтин-кумушга берилиш, ҳазина тўплаш авж олади. Натижада бу диний машғулотлар, ҳудо йўлидаги тоатибодат ўрнини дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлди. Улар орасида ҳадис тўпловчи муҳаддислар, илгаридан қашшоқ бўлиб, уй-жой, мол-мулкка эътибор қилмаган саҳобалар ҳам бор эди. Буларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очиқ курашга отланган бўлса, иккинчи қисми эса қаноат ва зуҳдни асосий мақсад қилиб олиб, сарой аҳли ва сарватдорлар, бойлар ахлоқига қарши норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик ғоясини тарғиб этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоат-ибодат билан шуғулланганлар...»[12.34] «Тариқа, - дейди Н.Комилов, - дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Ҳ.Шерозий)

зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, аммо ўзи мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб турадиган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоат-ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдики, уларни руҳ кишилари деб атардилар...» Демак, ислом тасаввуфий билими улкан бир фан сифатида шаклланиши жараёнига мавжуд ижтимоий-сиёсий иқлим ҳам таъсир кўрсатган. Тасаввуф таълимоти вужудга келиши учун яна иккита катта асл сабаб бор, деб ўйлаймиз. Биринчиси, тасаввуфга эҳтиёж ижтиҳод сабабли вужудга келган. Зеро, ислом динининг манбалари асосан тўрттадир: а) Китоб: б) Суннат: в) Қиёс: г) Ижмоъ. Бу тўрт манбага «адиллаи шаръийа» («Шаръий далиллар») дейилади. Ривоят қилинадики, «Жаноб пайғамбаримиз Исломи динини ўргатиш учун асҳобни атрофга юборадилар. Ҳазрати Муозни ҳам валий этиб Яманга тайин этадилар. Ўрталарида шундай бир суҳбат бўлиб ўтади: –Ё Муоз, у ерда нима билан ҳукм ва қазо қиласан? - деб сўрадилар Расули Акрам. –Аллоҳнинг китоби ила ҳукм этаман, - деб жавоб қилади Муоз. –Китобдан тополмасанг нима қиласан? –Расулуллоҳнинг суннати ила амал этаман. –У ердан ҳам тополмасанг-чи? –Ўз раъйим билан ижтиҳод этаман, ё Расулуллоҳ! Муознинг бу жавобидан Расули Акрам ниҳоятда мамнун бўлдилар...» [13.61]

Агар кўнгил уйи пок бўлса, фикр ва қарорлар ҳам тўғри, пок бўлади. Бинобарин, фақат тоза, ғуборсиз дил билангина банда Раббиси билан юзма-юз келиши мумкин. Зеро, тасаввуф илми-кўнгил сезгиси илми ҳамдир. У вужудга келиши билан фикр фани ҳам, фалсафа фани ҳам шакллана борди. Ижтиҳод кўнгил поклиги, ҳушёрлигисиз, сезгисиз мавжуд бўла олмайди. Ижтиҳод ўзлигини топган, Раббисини гўзал суратда таний олган бандаларнигина кўлидан келади. У бандалар тозаланган нафс, ойнадай ярқираган кўнгил билан яшайдилар, уларни «сўфий» деб аташади. Ижтиҳодни дарахтга қиёсласак, ислом фикри ва фалсафаси унинг икки залворли шохи, деб фараз қилсак бўлади. Ижтиҳоднинг ўзи эса Қуръони Карим ва пайғамбаримиз суннатига асосланади, ҳеч қачон уларга тескари ҳукм қилмайди. Сўфийлик мақомига интилиш адабиёт кўринишида ҳам вужудга келди. Энг аввало, адабиёт–дил розидир, инсоний ҳиссиётларнинг бадийи такомиллашган шаклидир. Маълумки, исломда банданинг Раббисига қандай ибодат қилиши энг муҳим масалалардан бири. Тасаввуф ҳам ибодатнинг гўзал шаклидир, у–банданинг Раббисига муҳаббат изҳор қилиш услубларидан бири. У шу боис маълум маънода адабиётга ҳам бадийи безак ва мазмун бағишлади. Агар ошиқ ўз маҳбубига қай даражада чиройли дил рози айта олса, маҳбубнинг жавоби ҳам шунга муносиб бўла-

ди. Бинобарин, Ҳадисларда айтиладики «Рабби гўзалдир, у гўзалликни яхши кўради». Аллоҳу таоло энг Буюк Севгига лойиқ ягона зотдир, зеро, у энг гўзал дил розини яхши кўради. Бошқача айтганда, Рабби ўз қулларининг такрорланмас, гўзал тарзда сева олишга ва изҳори дил қилишга лойиқ зотдир. Ахир ҳар бир сўфий муҳаббати ўзига хос эмасми? Демакки, тасаввуф таълимотининг шаклланиш сабабларидан яна бири-у банданинг Яратганга муҳаббат изҳор қилиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган(–Таъкид бизники.Г.Т). Мавлоно Румий шундай дейди: «Улуғ Аллоҳ инсонни илмли ва олим қилиб яратгани учун, инсон ўз борлигининг устурлобида вақти-вақти билан Тангри тажаллийсини ва беназир гўзаллигини порлоқ бир ҳолда кўради. Бу жамол кўзгусини ҳеч қачон тарк этмайди. Азиз ва жалил бўлган Тангрининг ҳикмат, маърифат ва каромат кийимларини кийдириб қўйган қуллари бордир». Ана шу қулларнинг ҳикмати тасаввуфни пайдо этди. Хусусан, Ибн Арабийнинг «Фусусил Ҳикам», Абдулла Ансорийнинг «Табақотус Суфия», Фаридиддин Атторнинг «Тазкират-ул авлиё», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул унс», Алишер Навоийнинг «Насойим-ул муҳаббат» каби асарларида бу ҳақида муфассал шарҳлар бор.

«Тасаввуф»-сўзининг истилоҳи қаердан келган? Бу сўз нимани англатади? Тасаввуф сўзининг истилоҳи ҳақида олимлар ўртасида асрий баҳслар бордир. Абу Райҳон Беруний бу сўзни юнонча «софос-ҳикмат» деб атайтиди. «Ёки, -дейди у-мусулмонларнинг баъзилари «суффия» сўзининг термин эканлигини билмасдан, сод ҳарфи билан ёзиб уни суффа сўзига нисбат бериб, «суффа суҳбатдошлари–асҳоби суффадан иборат кишилардир,» деган, яъни «пайғамбаримизнинг маҳфий, хусусий суҳбатлари учун масжид суфасидаги асҳоблар билан гурунглр шу сўзни келтириб чиқарган,» дейдилар. Уларни сўфийлар деб атаганлар. Ҳатто бу калом «суффатуюс»-така жуни сўзидан қисқартирилган, дегувчилар ҳам бўлди. Шунингдек, айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ҳазрати Исонинг ҳаворийлари-Ҳиристон роҳиблари зухд ва тақво йўлида бўлиб, риёзат билан нафсларини тарбия этиб, тавозеъ ва маҳфият учун жунли либослар (ҳирқа) кийганлар. Ва бу урф мусулмонларга ҳам ўтади, айримлар бу сўз истилоҳини ўша ҳирқага тақайдилар. Бизнингча, бу сўзнинг тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Илк инсон ва ваҳий билан зухурга келган, тажалли айниятини ифода этган, ҳамма ҳолатларнинг ўзанида, ҳамма замонларда инсоннинг ўзини англаш ва Раббига боришнинг таъминоти, тарбия ва иршод йўли бўлган «тасаввуф» сўзи ҳазрати Одамнинг «сафиуллоҳ» сифатига бориб тақалади. Манбаларда Одам алайҳиссаломни «сафиуллоҳ» деб атайтиди-

лар.[14.89] Бу сўз сўнгги пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломгача ўз-ўзидан олган файз билан, ингичкалашиб, ҳафифлашиб, асрдан асрга ўзгариб, «Мустафо» каломига айланди. «Тасаввуф» сўзи эса инсонликнинг мақсади, диннинг охири, комил инсон етиштириш йўлининг боши билан охирининг бирлаштирилиши каби муҳим вазифани бажарган пайғамбаримизнинг муборақ исми билан келган қудсий «Мустафо» каломидан олингандир. Одам сафиуллоҳ алайҳиссаломни ва пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломни шу сўзнинг лутфи ҳам боғлаб турибди. «Соф» негизида «Мустафо» исмига қадар келган жуда кўп сифат ва феъллар бордирки, барчаси тасаввуфга тўғридан-тўғри оиддир: соф, софий, сафват, сафо, асфия, тасфия, мусаффо, истифо ва ниҳоят Мустафо... Яна бир сезишимиз шундаки, Одам алайҳиссаломдаги «сафиуллоҳ» сифати Одамнинг кўнгил оламидаги жамол нурларининг тажаллисини том ва тўлиқ кўрсата олмайди, Мустафо сўзи эса, дунёдаги вужудга келган минглаб саволларга жавоб беради. Зеро, Аллоҳ : «Агар Муҳаммадни яратмаганимда 18 минг оламини яратмас эдим, » деган. Тасаввуф истилоҳининг келиб чиқиши ҳақида турк олими Меҳмед Али Айний ҳам шундай қарашга эга. Имом Шаъронийнинг хулосасига кўра, «Лавомиул анвар фи-табақатул ахёр» китобида таъкидланишича, «Маъно ва баён илми грамматикаси илмнинг ўзи бўлганлиги каби тасаввуф ҳам шарият ҳукмлари ила иш кўрадиган илмнинг ўзидир. Тасаввуф мустақил бир илмдир». Тасаввуф китоб ва суннат ҳаржи ила қучлантирилиб, бино қилингандир. Шайхул Акбар «Футухоти»да, «Бу илмга қовушмоқликнинг йўли иймон ва тақводир», дейилади. Одам сафиуллоҳ замонидан бошланган тасаввуф илми дунёнинг барча бурчакларида ҳар хил либосда ва ҳар хил тариқатда пайғамбар Мустафо замонигача ва ҳозирги кунгача яшаб келаяпти. [15.67]Тасаввуф шу маънода чуқур асосга эга бўлганлиги, кўп қатламли ижтимоий-сиёсий, маънавий чуқур мушоҳадаларга асосланганлиги учун ундан файласуфлар ўз фанлари учун моҳият ва мантиқ излайди, адабиётчилар эса унга бадиий гўзаллик тадқиқи деб қарайди, психология, педагогика, ҳатто ҳарбий жанг санъатида сўфиёна ҳикматлар одоб ва характерни тарошлайдиган манба бўлиб хизмат қилади. Илмий публицистика эса ана шу соҳалардаги тасаввуфий қарашларни жамлайди, ойдинлаштиради, ва қиёсийтипологик нуқтаи назардан ўрганади, тасаввуф таълимотининг фалсафий-ижтимоий фикр тадрижидаги такомил босқичларини таснифлайди. Энг муҳими, у бу теран ва муракаб таълимот ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш учун улкан ижтимоий институт вазифасини ўтамоқдадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари Тоғаева Г. Ж. -2007
2. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.:Ф.Ғулом номли Адабиёт –матбаа бирлашмаси,1991. –Б.180.
3. Румий Жалолiddин. Ичиндаги ичиндадур.– Т.: Ёзувчи, 1997.–Б.–51.
4. Муҳаммаджон Имомназаров М. Навоийшунослик ва жаҳон маданияти//Мулоқот. –1991.–№ 9.Б. 34.
5. Қаранг: Саъдий А. Символизм тўғрисида. -Т.:Ўздавнашр, 1932. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. —Т.: Фан,1978. —Б.182. Рустамов Э.Аҳмад Яссавий// Тошкент оқшоми.—1971.—23 ноябрь. Абдуллаев В. Зоҳир этар ёлғон ўзни оқибат// Халқ сўзи .– 1994. —7-апрел
6. Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари Тоғаева Г. Ж. -2007
7. Фитрат Нажот йўли –Т.: Шарқ концерни, 2001. Б.9.
8. Фитрат Нажот йўли –Т.: Шарқ концерни, 2001. Б.9.
9. Нажмиддин Комилов . Тасаввуф. I к.– Т.: Ёзувчи, 1996. Б.34.
10. Садриддин Салим Бухорий (2003). Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. «Янги аср авлоди» - ISBN 5-633-01554-1
11. Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари Тоғаева Г. Ж. -2007
12. Нажмиддин Комилов . Тасаввуф. I к.– Т.: Ёзувчи, 1996. Б.34.
13. Закоий Кўнрапа. Алвидо дунё, асسالом охират! Т.: Мовароуннаҳр,1996
14. Шарафиддин Али Яздий "Ҳулал мутарраз дар фанни муаммо ва луғаз" асарининг текстологик ва қиёсий-типологик тадқиқи Жўраев Жалолiddин Олимжонович-2019
15. Мустамлий Бухорийнинг "Шарҳ ат-Таъарруф" асри ҳамда унинг XI-XV асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф манбаларига таъсири Раҳимов К. Р.-2018
16. Нажмиддин Комилов . Тасаввуф. I к.– Т.: Ёзувчи, 1996. Б.34.